



2004 йил 19 февраль № 48.

Марғилон шаҳар, Зухро кўчаси,
31-уй, 31-хонадонда яшовчи
М.Тожибоевага

Сизнинг Фарғона вилояти судьяларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёзган шикоятингиз Сизнинг иштирокингизда текширилганда қуйидагилар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 201-моддасининг 1-қисми билан Сизга нисбатан юритилган маъмурий иш жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2003 йил 12 сентябрдаги қарорига асосан қилмишингизда ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмагани учун ҳаракатдан тугатилган.

Маъмурий иш, келтирган шикоятингизга асосан кассация тартибида кўриш учун 2003 йил 9 октябрь кунига вилоят судига тайинланган. Сиз судга келмаганлигингиз сабабли ишни кўриш 2003 йил 16 октябрь кунига қолдирилиб, вилоят судининг судьяси И.Нуралиев томонидан ишни кўрилиши ҳақида почта орқали Сизга хабарнома юборилган. Сиз шу кунга ҳам судга келмаганлигингиз сабабли, маъмурий иш кассация тартибида Сизнинг иштирокингизсиз кўрилиб, 2003 йил 16 октябрдаги ҳал қилув қарори билан суднинг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ариза важларини текшириш жараёнида Сиз ушбу хатларни кеч олганлигингиз учун белгиланган муддатларда судга келмаганлигингизни билдириб, судлар томонидан Сизга юборилган хатлар конвертларини тақдим этдингиз.

Тақдим этилган ҳужжатлар кўздан кечирилганда, ҳақиқатдан ҳам хатлар Сизга почта орқали кеч етказилганлиги маълум бўлди.

Вилоят судининг судьяси И.Нуралиев ишни кассация тартибида кўришда Сизнинг судга келмаганлигингиз масаласини чуқур текширмасдан, гарчанд Сиз судга узрли сабабларга кўра, яъни ишни судга кўрилиши ҳақидаги хатларини кеч олган бўлишингизга қарамай, ишни иштирокингизсиз кўриб, МЖТКнинг 294-моддаси талабларини бузилишига йўл қўйган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раиси Б.Исломовнинг 2004 йил 19 февралдаги ҳал қилув қарори билан шу суднинг 2003 йил 16 октябрдаги Сизга нисбатан чиқарган қарори МЖТКнинг 294-моддаси талаблари бузилганлиги учун бекор қилиниб, маъмурий иш янгидан кассация тартибида кўриш учун юборилди.


Бу ҳолатлар 2004 йил 21 февраль кунини жиноят ишлари бўйича вилоят судлари судьяларининг йиғилишида муҳокама қилиниб, судьяларга ишларни судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда адолатли ҳал этишлари, судга чақирилиши лозим бўлган шахсларга юборилаётган хатлар ўз вақтида жўнатилиши, томонларнинг судга келишларини реал таъминлаш учун барча чораларни кўришлари зарурлиги ҳақида ўқтирилди.

Вилоят судининг судьяси И.Нуралиев келгусида бундай қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган тақдирда интизомий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисми билан жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди томонидан кўрилган Сизга нисбатан маъмурий иш вилоят судида 2004 йил 2 февралда кассация тартибида кўрилиб, суднинг қарори бекор қилиниб, Сизнинг ҳаракатларингизда ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан тугатилган ва Вилоят ИИБга тақдимнома киритилган.

Олтиариқ туман суди биноси олдида Сизга нисбатан тан жароҳати етказган М.Тўхлиева ва бошқаларга оид маъмурий иш Сизнинг суд қароридан норози бўлиб келтирган шикоятингизга асосан вилоят судида кассация тартибида кўрилиб, Сизнинг олган тан жароҳатларингизни оғирлик даражасини аниқлаштириш мақсадида қайта суд тиббиёт экспертизаси тайинланган. Экспертиза хулосаси олинганидан сўнг маъмурий иш қонуний асосларда ҳал қилиниб, натижаси қўшимча равишда хабар қилинади.

**Жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят судининг раиси**


Б.Исломов